



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 22 » sentabr № 492

Toshkent sh.

### Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ–76-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ–76-сон Фармонига мувофиқ давлат органларида инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни “**hrm.argos.uz**” электрон платформасида (кейинги ўринларда – **электрон платформа**) юритиш тартибини назарда тутувчи ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

**2023 йил 1 ноябрдан** бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида (кейинги ўринларда – давлат органлари) инсон ресурсларини бошқаришга оид барча маълумотлар ва ҳужжатлар электрон платформада шакллантирилади ва юритилади (ҳарбийлаштирилган тузилмалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бундан мустасно);

давлат органлари электрон платформани жорий қилиш ва юритиш бўйича сарф-харажатларни ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

3. Қуйидагилар:

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни “**hrm.argos.uz**” электрон платформасида шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

“**hrm.argos.uz**” электрон платформасини республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этиш бўйича “йўл харитаси” **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумот ва ҳужжатлар электрон платформа орқали қуйидаги электрон тизимларга **автоматик тарзда** юборилади:

давлат органи тузилмаси, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари ва уларга қўшимча битимлар, меҳнат шартномаларининг бекор қилиниши ҳамда вакант иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар **“Ягона миллий меҳнат тизими”** идоралараро дастурий-аппарат комплексига;

қабул қилинган ички идоравий ҳужжат (буйруқ, қарор ва фармойиш)ларни ижрога қаратиш учун **“edo.ijro.uz”** ахборот тизимиغا;

ходимларга ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун зарур бўлган маълумотлар **“UzASBO”** дастурий мажмуасига.

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги **2023 йил 1 ноябрга қадар:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда электрон платформа доирасида Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларининг ягона очиқ (**vacancy.argos.uz**) **порталининг** янги талқинини ишлаб чиқиш;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда электрон платформага киритилган маълумотлар автоматик тарзда **“Ягона миллий меҳнат тизими”** идоралараро дастурий-аппарат комплексига юборилишини таъминлаш учун тизимларни ўзаро интеграция қилиш;

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ходимларининг иш ҳақини автоматик тарзда ҳисоблашни таъминлаш учун электрон платформани **“UzASBO”** дастурий мажмуасига интеграция қилиш чораларини кўрсин.

6. Давлат органлари раҳбарлари:

**2023 йил 1 октябрга қадар** давлат органларининг марказий аппарати, ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмаларини электрон платформага улаш;

**2023 йил 1 декабрга қадар** давлат органлари электрон платформага уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича **“Uzinfocom”** давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ – электрон платформа оператори билан шартномалар тузиш чораларини кўрсин.

Электрон платформа оператори ва Давлат хизматларини ривожлантириш агентлигининг ўзаро келишувига асосан электрон платформага уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича шартнома асосида келиб тушган маблағларнинг бир қисми Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиб берилиши мумкин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “~~22~~” сентябрдаги ~~492~~-сон қарорига  
1-илова

**Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида  
инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни  
“hrm.argos.uz” электрон платформасида шакллантириш ва юритиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида (кейинги ўринларда – давлат органлари) инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни “hrm.argos.uz” электрон платформасида (кейинги ўринларда – электрон платформа) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

Давлат органларида инсон ресурсларини бошқаришга мўлжалланган мавжуд электрон дастурлар электрон платформа билан интеграция қилинган ҳолда юритилиши мумкин.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

“Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси (кейинги ўринларда – “ЯММТ” ИДАК) – ахборот ресурслари, технологиялар ва алоқа воситаларининг ташкилий жиҳатдан тартибга солинган мажмуи бўлиб, меҳнат шартномалари ва ходимларнинг иш стажига оид маълумотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизими;

Давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимларининг ягона очиқ портали (кейинги ўринларда – “vacancy.argos.uz”) – давлат органларидаги вакант лавозимларни эгаллаш бўйича танловларни амалга ошириш бўйича марказлашган ягона электрон тизими;

“samaradorlik.uz” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – samaradorlik.uz) – бошқарувнинг турли даражадаги раҳбарлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими;

ташкilot кабинети – давлат органларининг инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантириш ва юритиш учун электрон платформадаги саҳифаси.

3. Давлат органларининг ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш, таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш, ходимлар фаолиятининг самарадорлигини автоматик тарзда баҳолаш, кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш, раҳбар кадрлар учун белгиланган захираларни шакллантириш ҳамда инсон ресурсларини бошқаришга оид бошқа фаолияти электрон платформада амалга оширилади.

Давлат органларининг инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлари ва ҳужжатларини электрон платформада шакллантириш ва юритиш ушбу Низомга иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

Давлат органи ҳисобланмайдиган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан келишилган ҳолда электрон платформадан фойдаланиши мумкин.

4. Электрон платформага белгиланган тартибда уланган давлат органларига инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантириш ва юритиш имконини берувчи ёпиқ бўлим ҳисобланган ташкилот кабинетини яратилади.

5. Электрон платформадан фойдаланиш ва уни юритиш электрон рақамли имзо калити (кейинги ўринларда – ЭРИ калити) орқали, ахборот алмашинувлари эса Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тармоғи орқали амалга оширилади.

6. Давлат органларининг ходимлари тўғрисидаги статистика маълумотлари электрон платформа орқали шакллантирилади ва юритилади.

## **2-боб. Электрон платформада рўйхатдан ўтиш ва ундан фойдаланиш**

7. Инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантириш ва юритиш учун юридик шахс мақомидаги давлат органлари электрон платформадан фойдаланувчи ҳисобланади.

8. Барча фойдаланувчилар электрон платформада шахсий ЭРИ калити орқали рўйхатдан ўтади, бунда:

давлат органи раҳбари шахсий ЭРИ калити ёрдамида давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси масъул ходимини белгилаб, унга электрон платформадан фойдаланиш имкониятини беради;

инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси ходими шахсий ЭРИ калити ёрдамида электрон платформада маълумотлар ва ҳужжатларни шакллантиради ҳамда юритади.

9. Давлат органининг ташкилот кабинетига маълумотлари электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграцион платформаси орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

10. Электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграцион платформаси орқали шакллантирилган маълумотларга қўшимча киритиш, уларни таҳрир қилиш ва тўлдириш инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

11. Агентлик давлат органларининг инсон ресурсларини бошқаришга оид маълумотлари ва ҳужжатларини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан, ички идоравий ҳужжатлар (буйруқ, қарор ва фармойиш) лойиҳаларини электрон платформада ишлаб чиқиш, келишиш, қабул қилиш (чиқариш), рўйхатга олиш жараёнларининг доимий мониторингини юритади.

12. “Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ (кейинги ўринларда – оператор) электрон платформани жорий этиш, унга техник хизмат кўрсатиш, уни янада такомиллаштириш, шунингдек, унинг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун масъул ҳисобланади.

### **3-боб. Электрон платформада таркибий тузилма, штатлар ва лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш ва таҳрир қилиш**

13. Электрон платформада давлат органи тузилмасини унинг штат жадвалига мувофиқ бўлинмалар ва иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни киритиш орқали шакллантирилади. Бунда ҳар бир лавозим алоҳида яратилади.

14. Давлат органининг тузилмасида:

давлат органининг барча бўлинмалари тўғрисидаги маълумотлар (алоҳида юридик шахслар бундан мустасно);

давлат органининг тасдиқланган штат жадвали (давлат сири ёки қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган маълумотлар ҳисобланган штат жадвали бундан мустасно);

сиёсий, бошқарув, ёрдамчи, ишлаб чиқариш ва техник ходимлар билан биргаликда давлат органидаги барча иш ўринлари, шу жумладан, бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

15. Давлат органининг бўлинмалари ҳақидаги маълумотлар бўлинма номи ёзилган махсус шаклни тўлдириш орқали киритилади.

16. Иш жойи ҳақидаги маълумотлар штат жадвалига мувофиқ лавозим номи ёзилган махсус шаклни тўлдириш орқали ва ходимларнинг иш ҳақи, ставка ҳажми ва лавозимга қўйилган малака талаблари, малака даражаси, лавозим гуруҳи ва тоифаси, шу жумладан, меҳнат шароитлари ва лавозим вазифаларини кўрсатган ҳолда киритилади.

### **4-боб. Электрон платформада давлат органларининг ички идоравий ҳужжатларини юритиш**

17. Электрон платформада давлат органларининг ички идоравий ҳужжатлари (буйруқ, қарор ва фармойиш) ЭРИ билан тасдиқланган ҳолда фақат электрон платформада шакллантирилади ва қабул қилинади.

18. Ички идоравий ҳужжат лойиҳаси инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси томонидан электрон платформада ишлаб чиқилади ҳамда тегишли таркибий тузилма раҳбарлари билан келишилади.

Электрон платформа орқали қабул қилинган ички идоравий ҳужжатлар ижрога қаратиш учун “edo.ijro.uz” ахборот тизимига автоматик тарзда юборилади.

19. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ давлат сири ҳисобланган маълумотларни ўз ичига олган ички идоравий ҳужжатларни электрон платформа орқали қабул қилиш (чиқариш)га йўл қўйилмайди ҳамда шахсга доир маълумотларга ходимларнинг розилиги билан ишлов берилади.

Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари махфий тоифага кирмайдиган ҳужжатлар лойиҳаларини мустақил равишда ушбу тоифага киритиш тақиқланади.

### **5-боб. Электрон платформани бошқа электрон ахборот тизимлари билан ўзаро интеграция қилиш**

20. Электрон платформада давлат органларининг ахборот тизимлари билан ахборот алмашинуви Агентлик томонидан тасдиқланган технологик йўриқнома асосида оператор томонидан амалга оширилади.

21. Давлат органларининг вакант лавозимларини эълон қилишдан тортиб, танлов ўтказиш ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнлар электрон платформа ва “vacancy.argos.uz” ахборот тизимининг ўзаро интеграциялашуви асосида амалга оширилади.

22. Давлат органи ходимининг фаолияти самарадорлигини автоматик тарзда баҳолаш жараёнлари электрон платформа ва “samaradorlik.uz” ахборот тизимларни ўзаро интеграция қилиш асосида амалга оширилади.

23. Давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари томонидан электрон платформага киритилган:

давлат органи тузилмаси, ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари ва уларга қўшимча битимлар, меҳнат шартномаларининг бекор қилиниши ҳамда вакант иш ўринлар тўғрисидаги маълумотлар “ЯММТ ИДАК” электрон тизимига,

ходимларга ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун зарур бўлган маълумотлар “UzASBO” дастурий мажмуасига автоматик тарзда юборилади.

24. Давлат органларининг белгиланган раҳбарлик лавозимлари учун кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш жараёни электрон платформа орқали амалга оширилади.

Кадрлар захирасига киритилган ходимларнинг шахсий маълумотлари электрон платформа ва “zaxira.argos.uz” платформасининг ўзаро интеграциялашуви асосида юритилади.

25. Электрон платформага маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши, тўғрилиги ҳамда тўлиқлиги бўйича давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаларининг масъул ходимлари жавобгар ҳисобланади.

## **6-боб. Яқунловчи қоидалар**

26. Оператор электрон платформанинг ишлаши, ахборот хавфсизлигининг таъминланиши, тизимдаги шахсга доир маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш учун масъул ҳисобланади.

Шахсга доир маълумотлар шахсга доир маълумотлар тўғрисида қонунчиликка мувофиқ ҳимоя қилинади.

27. Давлат органлари раҳбарлари давлат органларининг инсон ресурсларини бошқаришга оид фаолиятини электрон платформада юритиш бўйича ушбу Тартиб талабларига риоя қилиниши учун шахсан масъулдирлар.

28. Ушбу Тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият  
органларида инсон ресурсларини бошқаришга оид  
маълумотлар ва ҳужжатларни “hrm.argos.uz” электрон  
платформасида шакллантириш ва юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
илова

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини  
бошқаришга оид маълумотлар ва ҳужжатларни “hrm.argos.uz” электрон  
платформасида шакллантириш ва юритиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Тизим оператори	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини (кейинги ўринларда – давлат органлари) “hrm.argos.uz” электрон тизимидан рўйхатдан ўтказиш.</li><li>2. Давлат органи раҳбарларини “hrm.argos.uz” электрон тизимида авторизациядан ўтказиш.</li><li>3. “hrm.argos.uz” электрон тизимида ҳар бир давлат органига Ташкилот кабинетини яратиш.</li></ol>	Заруратга кўра
2-босқич	Давлат органи раҳбари	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзони (ЭРИ) олиш.</li><li>2. ЭРИ орқали “hrm.argos.uz” электрон тизимида рўйхатдан ўтиш.</li><li>3. Давлат органининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси масъул ходимини белгилаб, унга электрон платформадан фойдаланиш имкониятини бериш.</li></ol>	1 кун муддатда
3-босқич	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси раҳбари	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Янги технологиялар илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзони (ЭРИ) олиш.</li><li>2. ЭРИ орқали “hrm.argos.uz” электрон тизимида рўйхатдан ўтиш.</li><li>3. Давлат органининг таркибий тузилма, штатлар ва лавозимлар тўғрисидаги маълумотларни электрон тизимда шакллантириш ва юритиш.</li></ol>	3 кун муддатда



4-босқич	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси раҳбари	<p>1. Давлат органининг ташкилот кабинетидagi ходимлар тўғрисидаги маълумотларни электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграцион платформаси орқали шакллантириш.</p> <p>2. “hrm.argos.uz” электрон тизимидаги электрон ҳукуматнинг идоралараро интеграцион платформаси орқали шакллантирилган маълумотларга қўшимча киритиш, уларни таҳрир қилиш ва тўлдириш.</p>	5 кун муддатда
----------	--	---	----------------

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ 22 ” сентябрдаги 492-сон қарорига  
2-илова

**“hrm.argos.uz” электрон платформасини республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этиш бўйича  
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

<b>Т/р</b>	<b>Чора-тадбирлар номи</b>	<b>Амалга ошириш механизми</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Ижро учун масъуллар</b>
1.	“hrm.argos.uz” электрон платформасини ишга тушириш билан боғлиқ қуйидаги тадбирларни амалга ошириш: республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини “hrm.argos.uz”да рўйхатдан ўтказиш; масъул шахсларни “hrm.argos.uz”да авторизациядан ўтказиш; республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан “hrm.argos.uz”да ташкилот кабинетини очиш бўйича “UZINFOCOM” давлат ахборот хизматларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖга мурожаат қилиш ҳамда кабинетга киришни таъминлаш;	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил сентябрь	Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, “Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ
2.	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан “hrm.argos.uz” электрон платформасида ишлаш бўйича ўзларининг масъул ходимларини расмий ҳужжат (қарор, фармойиш, буйруқ ёки бошқа ҳужжат) билан бириктирилишини таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил сентябрь	Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
3.	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини электрон рақамли имзо билан таъминлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь	Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
4.	“hrm.argos.uz” электрон платформасида қабул қилинаётган инсон ресурсларини бошқаришга оид ички идоравий ҳужжатларни интеграциялашув натижасида	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил ноябрь	“Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ,

	“edo.ijro.uz” ахборот тизими орқали ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш имкониятини яратиш.			вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
5.	“hrm.argos.uz” электрон платформасида қабул қилинаётган инсон ресурсларини бошқаришга оид ички идоравий ҳужжатлар билан ходимларни электрон тарзда таништириш имкониятини яратиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил ноябрь	“Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
6.	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг инсон ресурсини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмаси ходимларини “hrm.argos.uz” электрон тизимида ишлаш бўйича ўқитиш юзасидан семинарлар ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь- ноябрь	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, “Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	“hrm.argos.uz” электрон платформасида ишлаш юзасидан видеодарслар ва қўлланмалар тайёрлаш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2023 йил октябрь	“Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
8.	Тизимда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, қабул қилинган ички идоравий ҳужжатларда йўл қўйилган техник хатоликларни, ушбу хатоликларга йўл қўйган ташкилот раҳбарларининг хатига асосан ички идоравий ҳужжатлар мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уларни бартараф этиш чорасини кўриб бориш.	Ташкилий чора-тадбирлар	Доимий	“Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги

